БИЗНИНГ ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ БУНЁДКОР ХАЛҚИМИЗДИР!

# O'ZBEKISTON BUNYODKORI

UZBUNYODKOR
UZBUNYODKOR
uzbunyodkori@mail.ru

СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

№86 (231) 2018 йил 2 ноябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

## 2019 ЙИЛГИ БЮДЖЕТ-СОЛИҚ СИЁСАТИДА АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ИШ ЎРИНЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 октябрь куни жорий йилда Давлат бюджетининг кутилаётган ижроси, 2019 йилга мўлжалланган макроиқтисодий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Йиғилишда жорий йил якуни бўйича Давлат бюджети даромадлари 74,5 триллион сўм, харажатлари эса 78,5 триллион сўмни ташкил этиши, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 5,5 триллион сўм ёки ўтган йилга нисбатан 6 баробар кўп маблағ қолиши кутилаётгани қайд этилди.

Бюджет харажатлари 2017 йилга нисбатан 60 фоиз ёки 29 триллион сўмга ошган. Ушбу маблағларнинг 5,6 триллион сўми «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла», «Yoshlar – kelajagimiz» дастурлари ва арзон уй-жойлар қурилишини молиялаштиришга йўналтирилди. Ёш тадбиркорларга имтиёзли кредитлар бериш, аҳолини иш билан таъминлаш учун «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкига 700 миллиард сўм ва Халқ банкига 1 триллион сўмдан зиёд маблағ, мамлакатимиз мудофаа қобилиятини оширишга 4,5 триллион сўм ажратилди.

Асосийси, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсия ва нафақаларини инфляция кўрсаткичидан юқори ошириш билан бирга тарбиячилар, ўқитувчилар, илмий ходимлар, профессор-ўқитувчилар, маданият ходимларининг иш ҳақи 30 фоиздан 100 фоизгача оширилди.

Валюта ва нарх сиёсатининг эркинлашуви, қишлоқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг тартибга солиниши ва капитал қўйилмалар ошиши бюджет даромадлари кўпайишига ижобий таъсир кўрсатди.

Йил якунига қадар яна икки ой бор. Шунинг учун барча резервларни ишга солиб, бюджетда юз бериши мумкин бўлган дефицитнинг олдини олиш зарур, деди Шавкат Мирзиёев.

Йиғилишда келаси йили бюджет даромадлари изчил ошиши, солиқ тизимида жорий этиладиган тарихий ўзгаришлар натижасида аҳоли ва бизнесга катта енгилликлар яратилиши таъкидланди.

Хусусан, 2019 йил 1 январдан:

– тушумдан олинадиган мажбурий ажратмаларни тўлиқ бекор қилиш натижасида корхоналарда қўшимча 5,2 триллион сўм даромад қолади;

– жисмоний шахслар учун даромад солиғининг энг юқори ставкаси 22 фоиздан 12 фоизгача, ягона ижтимоий тўлови 25 фоиздан 15 фоизгача туширилиши, фуқароларнинг 8 фоизлик суғурта бадали бекор қилиниши натижасида аҳоли даромадлари 6,5 фоизга ошади;

– юридик шахслар мол-мулк солиғи 5 фоиздан 2 фоизгача, фойда солиғи 14 дан 12 фоизгача, кичик бизнес субъектлари ягона солиғи 5 фоиздан 4 фоизгача камайтирилиши натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 2 триллион сўм қўшимча маблағ қолади. Умуман олганда, мавжуд 19 та солиқ ва мажбурий тўловлар тури 15 тагача камайтирилади.

Бундай енгилликлар натижасида бюджет тушумларини таъминлаш бироз қийинлашади. Шу боис, йиғилишда бюджет дефицитини қисқартириш, даромадларни кўпайтириш, жумладан, ишчилар сони ва иш ҳақини легаллаштириш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

2019 йилги бюджетномани, шунингдек, солиқ сиёсатидаги ўзгаришлар бўйича тегишли қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқиб, яқин вақт ичида Олий Мажлисга тақдим этиш вазифаси қўйилди.

Қўшимча қиймат солиғи тўлашнинг соддалаштирилган механизмини жорий этиш, мавжуд имтиёзларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, оптимизация қилиш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

2019 йилги бюджетнинг харажатлар қисми муҳокама қилинар экан, Президентимиз уни асосан ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга йўналтириш зарурлигини таъкидлади.

Келаси йил ҳам бюджетдан тўланадиган ойлик, пенсия ва нафақаларни инфляция даражасидан кам бўлмаган миқдорда ошириш сиёсатини давом эттиришимиз керак. Бунда ойлик маошининг ўсиши нисбатан паст бўлган ижтимоий соҳа ходимларига асосий эътибор қаратиш, жумладан, тиббиёт ходимларининг ойлигини 26,5 фоизга, олий таълим ва илм-фан муассасалари ходимлари иш ҳақини 1,5 баробарга ошириш зарур, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда таъкидланганидек, ижтимоий нафақалар учун маблағлар ҳажмини 20 фоизга кўпайтириш, умуман, ойлик ва унга тенглаштирилган тўловларнинг давлат бюджети харажатидаги улушини 49 фоиздан 54 фоизга ошириш режалаштирилмоқда.

Қабул қилинган давлат дастурларини амалга ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди. Бунинг учун имтиёзли шартларда хорижий маблағларни жалб этиш, «Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари доирасида таъмирланадиган объектлар рўйхатини аниқ шакллантириб, 2019 йилги Инвестиция дастурига киритиш зарурлиги қайд этилди.

Бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, бу борада назоратни янада кучайтириш бўйича ҳам топшириқлар берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбарларнинг ҳисоботи тингланди.

**ЎзА.**




## Мирзачўл манзарасига олисдан нигоҳ

**Жиззах вилояти Мирзачўл тумани тарихига 2018 йил зарҳал ҳарфлар билан битилади. Бу саҳифага «Обод қишлоқ» дастури асосида 2018 йил апрель-октябрь ойларида Гагарин шаҳри ва Ғалаба, Ўзбекистон, Мустақиллик, Мирзадала, Дўстлик, Боғбон маҳаллалари тубдан янгиланди, обод бўлди» деб ёзилади.**

Гагарин шаҳрининг бугунги қиёфаси шаҳарлар тақдири ҳам одамлар тақдирига ўхшайди, деган гапни ёдга солади. Дунёга келади, ўсиб-улғаяди. Бу орада унинг ҳаётида бахтли дамлар, катта муваффақиятлар, қийинчилик ва тушкунликлар ҳам бўлади. Қиёфасида тарих ва замон ўз изини қолдиради.

Биз баъзан бу ўзгаришларни тўлиқ илғай олмай қоламиз. Шууримизда кўпроқ бугун кўриб турганларимиз акс этади. Унинг олдинги қиёфаси хотирадан ўча бошлайди.

Илгари шу ерда яшаб, кейин тақдир тақозоси билан бошқа юртларга кетган кишилар бу ўзгаришларни янада аниқ ва теран ҳис этади. Мирзачўлда туғилиб, болалиги шу ерда ўтган, аниқроғи, Гагарин шаҳридаги 1-умумтаълим мактабини бундан 44 йил аввал битириб, дунёнинг турли томонига тарқалиб кетган бир гуруҳ синфдошларнинг Гагариндаги учрашуви чоғида шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида билдирилган фикрлар бу ҳаётий ҳақиқатни тасдиқлади.

(Давоми 2-бетда)

## Халқаро кўргазмалар тақдим этаётган имкониятлар

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳар соҳадаги жадал ислоҳотлар, айниқса, кенг кўламда олиб борилаётган бунёдкорлик лойиҳалари бутун дунё давлатлари эътиборини тортмоқда. Жаҳоннинг кўплаб йирик компания ва ишбилармонлари эса юртимизда ўз бизнесларини йўлга қўйишни мақсад қилган. Турли соҳалар бўйича мунтазам ўтказиб келинаётган халқаро кўргазмалар эса бу борада қулай имкониятлар яратмоқда.**



Жорий йил 31 октябрь куни пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуасида ўз ишини бошлаган «UzEnergyExpo-2018 – Энергетика, қайта тикланувчи энергия манбалари. Энергосамарадорлик ва энергияни тежаш, электротехника, ёритиш» XIII ва «UzStroyExpo-2018 – Қурилиш ва пардозлаш материаллари, иситиш ва вентиляция тизимлари, сув таъминоти, сувни тозалаш, сантехника» VIII халқаро кўргазмаларини ҳам ана шундай муҳим анжуманлардан, дея таъриф беришимиз мумкин.

Мамлакатимиз ва хорижий корхоналар учун бизнесни ривожлантириш, янги ҳамкорлар топишда муҳим аҳамият касб этувчи мазкур халқаро кўргазмалар «International Expo Group» масъулияти чекланган жамияти кўргазмалар компанияси томонидан ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ҳамда Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирликлари, «Ўзбекэнерго», «Ўзбекгидроэнерго», «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятлари ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, уларда 14 мамлакатнинг 170 дан ортиқ компанияси иштирок этмоқда.

(Давоми 4-бетда)












Гагарин шаҳри марказида 1960-йилларда қурилган барак типидаги уйларда яшовчи 2 мингга яқин аҳоли учун жами 317 та, жумладан, 4 сотихли 2-3 хонали 223 та намунали уй, 2-3 хонали 94 та кўп қаватли уй қисқа муддатда, май-октябрь ойларида қуриб битказилди.



Фармон ва ижро

# Ўзбошимчалик билан қурилган уйга қонуний эгалик қилиш мумкинми?

Ҳа, бунинг имкони бор. Жорий йилда 11 минг 206 нафар шахс ўзига қарашли бўлган, лекин ноқонуний қурилган уйига қонуний эгалик қилиш ҳуқуқини олди.

Халқимиз ободликни қадрлайди ва доим шунга интилади. Пули кўпайса, дарров чиройли иморатлар қуришга чоғланади. Бироқ кўплаб соддадил кишилар баъзан уй қуришнинг қонуний талаблари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмайди.

Айниқса, қишлоқларда ўзбошимча қурилган уйларни истаганча топиш мумкин. Авваллари бундай уйлар ноқонуний қурилма, деб топилиб, бузиб ташланган ҳолатлар ҳам йўқ эмас эди.

– Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 20 апрелдаги «Фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ҳамда ўзбошимчалик билан қурилган турар жойларга нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акциясини ўтказиш тўғрисида»ги фармони кўплаб юртдошларимизга мулк ҳуқуқи таъминланиши учун имкон берди, –дейди Адлия вазирлиги Қонунчилик бош бошқармаси бошлиғи Худоёр Мелиев ЎзА мухбири Норгул Абдураимова билан суҳбатда. – Сир эмас, уй-жойга эга бўлиш ва қуришнинг қонуний механизмлари мавжуд бўлишига қарамасдан минглаб фуқаролар кўп йиллар давомида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида якка тартибда уй-жойларни ноқонуний барпо этишган. Бундай ҳолатларнинг юз беришига давлат органлари, энг аввало, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият, шу жумладан, ер кадастри, архитектура ва қурилиш соҳасидаги ваколатли органларнинг бепарволиги ҳам сабаб бўлган.

Фармонга мувофиқ, Адлия вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан фуқароларнинг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойларига нисбатан мулк ҳуқуқини эътироф этиш бўйича бир марталик умумдавлат акцияси доирасида ҳозирги кунгача 11 минг 206 нафар шахс ўзига қарашли бўлган ўзбошимчалик билан қурилган уйига қонуний эгалик қилиш ҳуқуқини олди.

Бу аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланиш, шунингдек, фуқароларга тегишли бўлган турар жойларни давлат рўйхатидан ўтказишда катта кўмак бўлди.

Қайд этиш жоиз, мазкур акция 2019 йил 1 майга қадар давом этади.

Акция давомида фармон қабул қилинган вақтга қадар қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида ёки иморат қуриш учун рухсатнома олмасдан қурилган турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқи ушбу объектга ўз шахсий мулки каби ҳалол, ошкора ва узлуксиз эгалик қилаётган шахсга айрим шартлар асосида эътироф этилади.

Бу шартлар шундан иборатки, ушбу ер участкаси (участканинг бир қисми) унга қонун ҳужжатларига мувофиқ турар жой қуриш учун ажратилиши мумкин бўлмаган ер майдонида жойлашмаган бўлиши керак. Ўзбошимчалик билан қурилган иморат шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талабларини бузмаётган бўлиши зарур. Шунингдек, унинг сақлаб қолиниши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги ёхуд фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирмаслиги шарт.

Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида швециялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган цемент ишлаб чиқариш корхонасига тамал тоши қўйилишига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

# Цемент ишлаб чиқариш ҳажми ортади

Унда чет эллик инвесторлар, шаҳар ҳокимлиги, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Ангрен шаҳар кенгаши масъуллари, қурувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган уй-жой, ижтимоий соҳа объектлари қурилиши, йўлсозлик каби аҳолининг бирламчи эҳтиёжини қаноатлантириш бўйича олиб борилаётган ишлар кўлами тобора кенгайиб бораётгани таъкидланди. Бу, ўз навбатида, қурилиш материаллари, хусусан, цементга бўлган талабни ошираётгани, янги корхона маҳсулотлари эса ички бозордаги ушбу талабни қондиришга хизмат қилиши қайд этилди.

«ABA GTS GROUP» масъулият чекланган жамияти шаклида ташкил этилаётган мазкур корхонанинг ишга туширилиши кунига 1 минг 200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. 400 кишининг доимий бандлиги таъминланади. Маълумотларга кўра, мажмуанинг қурилиш ишларини келаси йил ноябрь ойига қадар якунлаш режалаштирилган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур корхона октябрь ойида Тошкент вилоятида цемент ишлаб чиқариш бўйича тамал тоши қўйилган иккинчи лойиҳа саналади. Аввалроқ, қўшни Оҳангарон ҳудудида россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда йилига 3 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга корхона қурилиши бошлангани ҳақида хабар қилган эдик.

**Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«Обод маҳалла» дастури – амалда

# Кўркам масканлар кўпаймоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги «Обод маҳалла» дастури тўғрисида»ги фармонига мувофиқ мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кенг кўламли бунёдкорлик, қурилиш-таъмирлаш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳрининг Мирзо Улуғбек туманида ҳам мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида тўртта маҳалла «Обод маҳалла» дастурига киритилган бўлиб, мазкур маҳаллаларда қурилиш, ободончилик ишлари амалга оширилди.

Тумандаги Авайхон маҳалласида ўтказилган тадбирда «Обод маҳалла» дастурининг ижроси муҳокама қилинди. Дастурга киритилган ушбу маҳалладаги кўп қаватли уйлар атрофидаги ноқонуний қурилмалар бузилиб, 80 та кириш йўлаги таъмирдан чиқарилди. Ички йўлларга 8 минг квадрат метр асфальт, кўп қаватли уйлар олд қисмидаги йўлакларга 2470 квадрат метр бетон қопламаси ётқизилди, кириш йўлакларидаги ромлар замонавийсига алмаштирилди. 14 та лифт жорий таъмирдан чиқарилди, 13 та электр тақсимловчи щит янгиланди, 5 та уйнинг ертўла қисмидаги муҳандислик тизимларида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Шунингдек, 8 та янги болалар майдончаси қурилди. Маҳалладаги 105 та темир гараж ўрнига очиқ турдаги 4 та янги автотурарrоҳ қурилди. Амалга оширилган ишлар натижасида 6 та кўп қаватли уйнинг фасад қисми кўркам қиёфага кирди. Аҳоли хавфсизлигини таъминлашни янада кучайтириш мақсадида маҳаллага 50 дан зиёд кузатув камераси ўрнатилди.

Ҳудуддаги 193-мактабгача таълим муассасасининг очилиши эса маҳалла болажонлари учун катта совға бўлди. Шунингдек, маҳалла аҳлини хурсанд қилган яна бир хабар, Мирзо Улуғбек тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 8-сонли оилавий поликлиниканинг фойдаланишга топширилиши бўлди. Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган «Обод маҳалла» дастури ва унинг доирасида амалга оширилган ишлар кўплаб юртдошларимиз қатори авайхонликларни беҳад қувонтирди.

**Ўз мухбиримиз.**

# Мирзачўл манзарасига олисдан нигоҳ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Гагарин – Мирзачўлдаги собиқ Ержар ишчилар посёлкаси. Жанубий Қизилқумни ўзлаштириш айнан шу ердан бошланган. 1957 йилда туғилиб, бу ердаги ягона таълим муассасаси бўлган 1-ўрта мактабни 1974 йилда битирган ёшлар чўлни ўзлаштиришга келган «қалдирғоч» чўлқуварларнинг фарзандлари эди. Дастлабки йилларда жами 100 чоғли ўқувчи таълим олган мактабдан кўплаб таниқли кишилар етишиб чиққан. Ушбу учрашувга собиқ иттифоқнинг шаҳарларини макон тутган синфдошлардан 25 нафари етиб келди.

Меҳмонлар Гагарин шаҳрининг замонавий қиёфасини кўриб, ҳайратларини яширолмади. Чунки болалик тасаввурларидаги Гагарин шаҳарчаси ўрнида бугун том маънода замонавий шаҳар пайдо бўлган-да.



**Баянжан ЖУМАХАНОВА, Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида яшайди, тадбиркор:**

– Бу ердаги қариндошларим, синфдошларим орқали туғилиб ўсган шаҳримдаги янгиликлардан хабардор бўлиб тураман. Аммо бунчалик катта ўзгаришларни кўраман, деб хаёлимга келтирмаган эдим. Болаликда ҳар куни юрган мана шу марказий кўчани ҳам танимай қолдим. Назаримда у жуда кенгайиб кетгандек. Кўп қаватли замонавий иморатлар қурилиб, икки ёнидаги эски деворлар, панжаралар, пастқам иншоотлар ўрнида яшил майдонлар, гулзорлар барпо этилибди. Бу ўзгариш биргина марказий кўчада эмас, бутун шаҳарда рўй бергани мени ростакамига ҳайратга солди. Бир вақтлар мен билган, кўрган шаҳар ўрнида бугун замонавий, кўркам ва чиройли шаҳар қад ростлабди.

**Бизнинг шарҳ:** Гагарин шаҳри марказида 1960-йилларда қурилган барак типидаги уйларда яшовчи 2 мингга яқин аҳоли учун жами 317 та, жумладан, 4 сотихли 2-3 хонали 223 та намунали уй, 2-3 хонали 94 та кўп қаватли уй қисқа муддатда, май-октябрь ойларида қуриб битказилди.

Шаҳар марказий кўчасининг 1,3 километрлик қисми 3 метрга кенгайтирилиб, умумий узунлиги 7,5 километр янги лоток, 17 километр бордюр ўрнатилди. Шаҳарда 21 километрлик ички йўл ва кўчалар таъмирланиб, асфальт ётқизилди. 27 километр пиёдалар йўлакчаси қурилиб, кўча бўйлаб 192 та ёритиш устуни ўрнатилди.

Гагаринни кўркам ва яшил шаҳарга айлантириш учун 27,5 минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахтлар, 100 мингдан ортиқ гул кўчатлари экилди, 21,5 минг квадрат метр майдонга чим ётқизилди.

**Владимир ШАМАНОВ, Россия Федерацияси Давлат думаси федерал мажлисининг мудофаа қўмитаси раиси, Россия Қаҳрамони:**

– Болалиги ўтган жой ҳақидаги барча хотиралар инсонга ҳамиша азиз. Мен ўзимиз яшаган уйни дарров танидим. Албатта, у анча ўзгартирилган, барибир менга қадрдон. Қўшни ҳовли билан бизнинг уйимиз ўртасида кичкинагина дарча бўларди. Хонадон бекаси – ўзбек аёли тандирда нон ёпса, биз – болаларга узатар, аммо биз олмасдик. Шунда қўшнимиз дарчадан бериб кетарди. Тандирдан янги узилган ўша нон ҳиди ҳамон димоғимни қитиқлайди. 40 дан зиёд миллат вакиллари яшайдиган Гагаринда одамлар жуда аҳил-иноқ яшарди. Мен болалигим ўтган бу шаҳарнинг доимо шундай бўлиб қолишига ишонаман.

Ҳарбий бўлганим туфайли урушни ҳам кўрдим. Унинг одамларга қанчалик катта мусибат келтиришига гувоҳман. Шунинг учун ободлик, фаровонлик асосида тинчлик-осойишталик туришини чуқур ҳис этаман. Ўзбекистон ана шу тинчлик туфайли жадал ривожланмоқда. Мен Гагаринда қад ростлаган муҳташам иншоотларда, ўқиган мактабимнинг кўркам биносида, одамларга давлат томонидан қуриб берилган замонавий уйларда, маҳаллалар ободлигида айнан ана шу тинчлик ва осойишталик самарасини кўрдим.

Россия билан Ўзбекистон ўртасида ҳар томонлама ривожланиб бораётган ҳамкорлик алоқалари икки мамлакатнинг, шу мамлакатларда яшайдиган барча одамларнинг фаровонлигига хизмат қилади. Мен ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликни мустаҳкамлашга, кичик Ватаним бўлган Гагарин шаҳрининг янада обод бўлишига ҳисса қўшишни истайман.

**Бизнинг шарҳ:** Гагарин шаҳрида қисқа муддатда 377 та намунали уй қурилди. Бундай намунали уйларнинг бошқа вилоятларда ўртача қиймати 210 миллион сўмни ташкил этаётган бўлса, бу ерда ишчи кучи, қурилиш материаллари, техника воситалари ҳашар йўли билан жалб этилгани натижасида ўртача 117-127 миллион сўмга тушди.

Баракларда яшаб келган 291 хонадон эгаларининг янги уй-жой учун бошланғич бадали Ўзбекистон Республикаси Президенти ва бошқа ҳомийлик маблағлари ҳамда иш берувчилар томонидан тўлаб берилди. Тижорат банклари томонидан аҳолига уй-жой сотиб олиш учун жами 19,9 миллиард сўм миқдорида ипотека кредити ажратилди.

Уй эгалари янги барпо этилган «Мирзачўл тикувчилик мажмуаси», «Чорвачилик мажмуаси» ҳамда қурилиш ташкилотларига ишга жойлаштирилиб, ойлик иш ҳақи ҳисобидан ипотека кредити бўйича тўловларни амалга оширмоқда.

Туманнинг Ғалаба маҳалласида пахта қабул қилиш пунктига қарашли икки қаватли ташландиқ бино мукаммал таъмирланиб, 1-2 хонали 22 та уйга айлантирилди ва ногиронлиги бўлган шахсларга берилди. Ҳар бир хонадон замонавий мебель ва жиҳозлар билан таъминланди. Уй атрофи ободонлаштирилиб, хонадонлар учун омборхона, ўчоқ ва тандирхона қурилди.

Шунингдек, Ғалаба, Мустақиллик, Мирзадала, Дўстлик, Ўзбекистон ва Боғбон маҳаллаларида таъмирга муҳтож 175 та кўп қаватли уй ва 35 та кўчада таъмирлаш ишлари олиб борилди. Кўп қаватли уйлар том қисмини таъмирлаш, замонавий эшик-ромлар ўрнатиш учун «Обод қишлоқ» дастурига киритилган 6 та маҳаллада 13 та ширкат ташкил этилиб, банклар томонидан 9,9 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди.

**Ирина КАН (МИРОНОВА), россиялик пенсионер:**

– Мирзачўлдан 1988 йилда кетганман. Биз яшаган пайтда ҳам Гагарин шаҳар мақомида эди. Аммо энди ҳақиқий шаҳар бўлибди. Шаҳарда барча инфратузилма мавжуд. Мусиқа ва санъат мактаби, Қозоқ миллий драма театри, «Бахт уйи», Давлат хизматлари агентлиги туман филиали, кўп тармоқли туман поликлиникаси каби муассасаларнинг реконструкция қилинган биноларини кўриб, ҳавасимиз келди. Биз бу ерда яшаган йиллар бундай иншоотларни, хизматларни орзу қилганмиз, холос. Қачондир бўлишини хаёлга ҳам келтира олмаганмиз.

**Бизнинг шарҳ:** Ижтимоий соҳа объектларида умумий қиймати қарийб 50 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Жумладан, 3 таси янги қурилди, 10 таси реконструкция қилинди ва 4 таси мукаммал таъмирдан чиқарилди. Хусусан, оилавий поликлиника, туман



санитария-эпидемиология назорат маркази, Давлат хизматлари маркази бинолари янгидан қурилди. 3 та мактаб мукаммал таъмирланиб, 7 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди. 1 та давлат-хусусий шериклик асосидаги 60 ўринли мактабгача таълим муассасаси қуриб битказилди.

Боғбон маҳалласида жойлашган ва узоқ йиллар қаровсиз қолган Қозоқ миллий драма театри биноси капитал таъмирдан чиқарилди. Ўзбек-қозоқ миллий маданий маркази биноси қад ростлади.

Маҳаллаларда 38 болалар майдончаси, 2 сунъий қопламали стадион барпо этилди.

**Болат МУРТАЗОЕВ, Қозоғистон, «Тараз газ хўжалиги» бошқармаси раҳбари:**

– Отам Мирзачўлни ўзлаштиришга келган. Ўша даврда қурилган вақтинчалик бошпаналар, барак уйлар ҳам кўзимизга яхши кўринган. Аммо бугун одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш жуда катта иш. Энг муҳими, давлатнинг эътибори зарур. Мирзачўлда бу ишнинг уддасидан чиқишибди. Ижтимоий иншоотлар ва хонадонлар ишлаш, яшаш учун қулайлигидан, муҳандислик инфратузилмаси мукаммаллигидан одамлар рози эканига гувоҳ бўлдик. Катта куч, катта маблағ талаб этадиган бу ишлар қисқа муддатда бажарилгани ҳам давлатнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги самарасидир.

**Бизнинг шарҳ:** Аҳоли турмуш фаровонлиги, табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Ҳудуддаги жами 14,3 километр газ қувурлари монтаж қилинди, 2 та янги газ тақсимлаш шохобчаси ўрнатилди, 35 таси таъмирланди. 1 минг 407 та газ асбоб-ускуналари монтаж ва демонтаж қилинди.

230 дона темир-бетон таянч ўрнатилиб, 21,4 километр узунликда янги электр узатиш тармоғи тортилди, 6 та трансформатор пункти мукаммал таъмирланди. Натижада истеъмолчиларнинг электр энергия таъминоти тубдан яхшиланди.

Дастур доирасида 77,2 километр ичимлик сув қувури, 2,2 километр оқова сув қувури тортилди, 65 та оқова сув қудуғи қурилди. Сўнгги 30 йил давомида ишламай қолган канализация тизими тозаланиб, қайта ишга туширилди. Аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш мақсадида Ипак йўли маҳалласидан Гагарин шаҳрига 9 километр масофага ичимлик сув тармоғи тортилди. Ушбу иншоот бир кеча-кундузда 1000 куб метр тоза ичимлик суви етказиб бериш қувватига эга. Туманда ичимлик сув тармоқларини янгидан қуриш учун 26,4 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Замонавий нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи, 3 та мини-маркет, 2 та ҳаммом, 50 дан зиёд хизмат кўрсатиш шохобчалари, ишлаб чиқариш объектлари барпо этилди. Шаҳар марказида «Агробанк» биноси энг замонавий лойиҳалар асосида қад ростлади.

Айни пайтда фақат ижтимоий соҳа эмас, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш корхоналари барпо этиш, аҳолини иш билан таъминлашга ҳам муҳим йўналиш сифатида алоҳида эътибор қаратилди. Дастур доирасида дастлаб баракларда яшовчи ишсиз аҳоли вакилларини иш билан таъминлаш мақсадида «Мирзачўл тикувчилик мажмуаси», «Мирзачўл чорва комплекси», «Мирзачўл текс» МЧЖ каби корхоналар, нон цехи, мини-маркет, ҳаммом барпо этилиши ҳудудда 500 дан ортиқ янги иш ўрни яратиш имконини берди.

...Меҳмонлар Мирзачўл сафари якунида Кўктерак қабристонини зиёрат қилди. Ўтганлар хотираси ёдга олинди.

Эзгуликнинг чеки йўқ, дейишади. Рост. Президентимиз ташаббуси билан Манас қишлоғидан бошланган «Обод қишлоқ» дастури ижроси Мирзачўлнинг Гагарин шаҳри, Ғалаба, Ўзбекистон, Мустақиллик, Мирзадала, Дўстлик, Боғбон маҳаллаларида якунига етмоқда. Аммо у тўхтамайди. Чунки ҳали ўтган асрнинг 60-йиллар нуқси сақланиб қолган қишлоқлар бор. Демак, бу янгиланишлар юртимиздаги барча қишлоқларда, маҳаллаларда кундалик ишга айланиб бормоқда.

**Т. БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«Обод қишлоқ» дастури – амалда!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ» дастурини 2018 йилда амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори доирасида Наманган туманидаги Шўрқўрғон қишлоғида кенг кўламдаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари бажарилди.

# Шўрқўрғон аҳлининг қувончи чексиз

Жумладан, 258 та таъмирталаб ҳовли жойларига 3,8 миллиард сўм маблағ йўналтирилиши натижасида қишлоқ тамомила ўзгача қиёфа касб этиб, марказий кўчанинг икки тарафидаги кўримсиз, пана-пастқам уйлар ўрнида бир-биридан кўркам ва замонавий турар жой бинолари пайдо бўлди. Ички ва хўжаликлараро йўллар 5,2 миллиард сўм маблағ ҳисобига таъмирланди.

– Қишлоғимиз туман маркази – Тошбулоқ шаҳарчасидан анча олисда жойлашган, – дейди «Шўрқўрғон» МФЙ раиси Ёдгорбек Аҳмедов. – Шу боис маҳалла аҳли баъзи масалаларда узоқ йўл босиб, туман марказига қатнашига мажбур бўлаётганди. Энди тиббий кўрик ва муолажалар учун улар вақтларини йулга кетказишмайди. Қишлоғимиз ҳудудида жойлашган собиқ жамоа хўжалиги маъмурий биносининг тўла-тўкис реконструкция қилиниб, 100 қатновга мўлжалланган замонавий қишлоқ оилавий поликлиникасига айлантирилгани барчамиз учун қувончли воқеа бўлди.

– «Обод қишлоқ» дастурига киритилган мазкур қишлоқ оилавий поликлиникасининг умумий қурилиш қиймати 1.3 млрддан ошиқроқни ташкил этади, – дейди Наманган вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси техник назоратчиси Ойбек Ҳожиев. – Фурқатжон Ёқубов раҳбарлигидаги «Зафар» хусусий корхонаси қурувчилари томонидан қисқа вақт ичида объектдаги қурилиш ишлари тез ва сифатли амалга оширилиб, шўрқўрғонликлар саломатлигини муҳофаза қиладиган тиббиёт маскани барпо этилди.

Икки қаватли оилавий поликлиникада аҳолига бирламчи тиббий-санитария хизмати кўрсатиш учун барча зарурий имкониятлар, шинам ва ёруғ хоналарда умумий амалиёт шифокорлари, тор соҳа мутахассислари учун қулай иш шароити муҳайё этилган. Бундан ташқари, кундузги шифохона, лаборатория, УТТ ва ЭКГ хоналари ҳам хизматга шай.

– Тиббий муассасамиз ҳудуддаги 6 та маҳалла фуқаролар йиғини аҳлига, битта коллеж ҳамда 4 та умумтаълим мактаби ўқувчиларига хизмат кўрсатади, – дейди қишлоқ оилавий поликлиникаси мудири Ҳусанбой Тошанов. – Давлатимиз раҳбари томонидан эл-юрт соғлиги йўлида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар танланган соҳамизга ва ўз ишимизга нисбатан виждонан ёндашиб ишлашга руҳлантиради.

Бугун шўрқўрғонликларнинг шодлик ва қувончлари чексиз. Боиси, «Обод қишлоқ» дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида қишлоқ инфратузилмаси ўзгариб, жумладан, аҳолининг тоза ичимлик суви, электр энергияси, газ таъминоти ва бошқа масалалар ўз ечимини топаётир.

**Маъмур МУСУЛМОНОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**



ИК ООО «Кишлок Курилиш Инвест» приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения

## Приглашение на участие в тендерных торгах!

**Республика Узбекистан**

**Программа «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

**Строительство подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения**

**ПРОЕКТ № УЗБ-983.**

**№ контракта/тендерных торгов КФР-2018/1**

1. Республика Узбекистан подписала заемное Соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации Программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» (далее – Программа) и намерена использовать часть финансовых средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Кашкадарьинской и Ферганской областях Республики Узбекистан в рамках Программы. ИК ООО «Кишлок Курилиш Инвест» (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подводящих и внутримассивных сетей водоснабжения. Срок строительства составляет шесть (6) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложений.

3. Национальные конкурсные торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР, для товаров и работ в рамках финансирование КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в Тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по конкурсным торгам и ценообразованию по адресу ниже в течение рабочего времени от 10.00 до 17.00.

| Кашкадарьинская область | Ферганская область |
|---|---|
| **Адрес:** г. Карши, ул. Узбекистон, 60 «а». **Телефон:** 75-223-18-80. **Факс:** 75-223-19-11. | **Адрес:** г. Фергана, Ал-Фаргоний, 36. **Телефон:** 73-244-68-91. **Факс:** 73-224-68-92. |

5. Полный комплект тендерной документации на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организаторов торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 МЗРП.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

| Кашкадарьинская область | Ферганская область |
|---|---|
| **Банк:** АКБ «Узпромстройбанк» Каршинский филиал **ИНН:** 202453632 **Р/с:** 20210000903823711001 | **Банк:** АКБ «INFINBANK» Ферганский городской филиал **ИНН:** 202529457 **Р/с:** 20210000203767618001 |

6. Тендерные предложения должны быть представлены:
- по вышеуказанному адресу;
- до истечения крайнего срока подачи предложения: согласно дате, указанной в перечне контрактов;
- необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:

| Хокимият Кашкадарьинской области | Хокимият Ферганской области |
|---|---|
| **Адрес:** г. Карши, площадь «Мустакиллик», 1. **Телефон:** 75-221-02-38. **Факс:** 75-221-11-10. | **Адрес:** г. Фергана, А. Навоий, 15. **Телефон:** 73-224-33-77. **Факс:** 73-222-33-77. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Опыт работ в схожих контрактах (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года ( м³) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года ( м³) | Работы по строительству сетей водоснабжения, выполненные за последние 3 года ( п.м.) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 300 000 000,0 | 100 000 000,0 | 240 000 000,0 | 800,0 | 50,0 | 500,0 |
| 2 км | 600 000 000,0 | 200 000 000,0 | 480 000 000,0 | 1 600,0 | 100,0 | 1 000,0 |
| 3 км | 900 000 000,0 | 300 000 000,0 | 720 000 000,0 | 2 400,0 | 150,0 | 1 500,0 |
| 4 км | 1 200 000 000,0 | 400 000 000,0 | 960 000 000,0 | 3 200,0 | 200,0 | 2 000,0 |
| 5 км | 1500 000 000,0 | 500 000 000,0 | 1 200 000 000,0 | 4 000,0 | 250,0 | 2 500,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2018/1 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Программа «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

**ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ**

| № лота | Район | Массив | Протяжённость сетей водоснабжения (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Итого по Кашкадарьинской области** | | | **6,392** | |
| КФР-84 | Касбинский, Мубарекский, Нишанский, Каршинский | Касби, Тошкурган, Бобур, Нуристон, Нуристон-1, Мехнатобод, Янгихаёт, Батош-2, Падарон, Кучкак, Богобод-2 | 2,649 | 2 декабря 2018 года 10.00 |
| КФР-85 | Шахрисабзский, Китабский | Келдихаёт, Шаматон, Шаматон-1, Чоршанби, Узункир, Денов,Янгиобод, Яккатут | 2,815 | 2 декабря 2018 года 10.00 |
| КФР-86 | Чиракчинский, Яккабагский, Камашинский | Жар, Зарбдор, Корабурук, Дам-2, Гозлик, Чумич, Гуржоб, Кушкапа, Окгузар, Карабог | 0,928 | 2 декабря 2018 года 10.00 |
| **Итого по Ферганской области** | | | **7,564** | |
| КФР-87 | Кувасайский, Ферганский | Пакана (доп.строит), Минданобод (доп. строит), Илгор-6 | 7,564 | 2 декабря 2018 года 10.00 |

## Приглашение на участие в тендерных торгах!

**Республика Узбекистан**

**Программа «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

**Строительство подъездных и внутримассивных дорог**

**ПРОЕКТ № УЗБ-983.**

**№ контракта/тендерных торгов КФР-2018/2**

1. Республика Узбекистан подписала заемное Соглашение с Кувейтским фондом арабского экономического развития (далее – КФАЭР) по реализации программы «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» (далее – Программа) и намерена использовать часть финансовых средств на строительство подъездных и внутримассивных дорог в сельских местностях Кашкадарьинской и Ферганской областях Республики Узбекистан в рамках Программы. ИК ООО «Кишлок Курилиш Инвест» (Заказчик) настоящим приглашает правомочных участников к подаче своих тендерных предложений в запечатанном виде на осуществление строительства подъездных и внутримассивных дорог. Срок строительства составляет семь (7) месяцев.

2. Участники торгов могут подавать свои тендерные предложения по одному или нескольким лотам, как указано в тендерных документациях. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложений.

3. Национальные конкурсные торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой КФАЭР, для товаров и работ в рамках финансирование КФАЭР и доступны всем правомочным участникам, как описано в Тендерных документациях.

4. Заинтересованные правомочные участники могут получить дополнительную информацию в Территориальном консалтинговом центре по конкурсным торгам и ценообразованию по адресу ниже в течение рабочего времени от 10.00 до 17.00.

| Кашкадарьинская область | Ферганская область |
|---|---|
| **Адрес:** г. Карши, ул. Узбекистон, 60 «а». **Телефон:** 75-223-18-80. **Факс:** 75-223-19-11. | **Адрес:** г. Фергана, Ал-Фаргоний, 36. **Телефон:** 73-244-68-91. **Факс:** 73-224-68-92. |

5. Полный комплект тендерной документации на русском языке, может быть приобретен правомочными участниками по представлению письменного заявления на имя организаторов торгов на вышеуказанный адрес и приложить платежное поручение из банка о невозмещаемой оплате в размере 1 МЗРП.

Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

| Кашкадарьинская область | Ферганская область |
|---|---|
| **Банк:** АКБ «Узпромстройбанк» Каршинский филиал **ИНН:** 202453632 **Р/с:** 20210000903823711001 | **Банк:** АКБ «INFINBANK» Ферганский городской филиал **ИНН:** 202529457 **Р/с:** 20210000203767618001 |

6. Тендерные предложения должны быть представлены:
- по вышеуказанному адресу;
- до истечения крайнего срока подачи предложения: согласно дате, указанной в перечне контрактов;
- необходимо представить декларацию для тендерного предложения.

Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:

| Хокимият Кашкадарьинской области | Хокимият Ферганской области |
|---|---|
| **Адрес:** г. Карши, площадь «Мустакиллик», 1. **Телефон:** 75-221-02-38. **Факс:** 75-221-11-10. | **Адрес:** г. Фергана, А. Навоий, 15. **Телефон:** 73-224-33-77. **Факс:** 73-222-33-77. |

7. Заинтересованные правомочные участники торгов должны отвечать следующим требованиям:

| Протяженность дороги | Требуемый среднегодовой оборот в строительстве (сум) | Требование к наличию финансовых ресурсов (сум) | Опыт работ в схожих контрактах (сум) | Земляные работы, выполненные за последние 3 года ( м³) | Бетонные работы, выполненные за последние 3 года ( м³) | Работы по асфальтирова-нию дорог, выполненные за последние 3 года ( м²) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 км | 500 000 000,0 | 150 000 000,0 | 400 000 000,0 | 800,0 | 100,0 | 2 000,0 |
| 2 км | 1000 000 000,0 | 300 000 000,0 | 800 000 000,0 | 1 600,0 | 200,0 | 4 000,0 |
| 3 км | 1 500 000 000,0 | 450 000 000,0 | 1 200 000 000,0 | 2 400,0 | 300,0 | 6 000,0 |
| 4 км | 2 000 000 000,0 | 600 000 000,0 | 1 600 000 000,0 | 3 200,0 | 400,0 | 8 000,0 |
| 5 км | 2 500 000 000,0 | 750 000 000,0 | 2 000 000 000,0 | 4 000,0 | 500,0 | 10 000,0 |

8. Опоздавшие конкурсные предложения будут отклонены и возвращены в закрытом виде.

### ПРИГЛАШЕНИЕ № КФР-2018/2 ДЛЯ УЧАСТИЯ В ТЕНДЕРНЫХ ТОРГАХ

**Программа «Строительство доступных жилых домов по обновленным типовым проектам в сельской местности» с участием Кувейтского фонда арабского экономического развития**

**ПЕРЕЧЕНЬ КОНТРАКТОВ**

| № лота | Район | Массив | Протяжённость подъездных и внутримассивных дорог (км) | Конечный срок подачи предложений |
|---|---|---|---|---|
| **Итого по Кашкадарьинской области** | | | **11,957** | |
| КФР-88 | Дехканабадский, Гузарский, Каршинский, Касанский | Бешбулок, Узбекистан, Буюк карвон, Батош-2, Падарон, Кучкак, Богобод-2, Мудин, Бойгунди, Пудина | 3,572 | 2 декабря 2018 года 11.00 |
| КФР-89 | Миришкарский, Касбинский, Мубарекский, Нишанский | Янги Жейнов, Янги Миришкор, Чандир, Касби, Ташкургон, Бобур, Нуристон, Нуристон-1, Мехнаобод, Янги хаёт | 3,160 | 2 декабря 2018 года 11.00 |
| КФР-90 | Шахрисабзский, Китабский | Келдихаёт, Шаматон, Шаматон-1, Чоршанби, Янгиобод | 2,640 | 2 декабря 2018 года 11.00 |
| КФР-91 | Китабский, Чиракчинский, Яккабагский, Камашинский | Узункир, Денов, Яккатут, Жар, Зарбдор, Корабурук, Дам-2, Гозлик, Чумич, Гуржоб, Кушкапа, Окгузар, Карабог | 2,585 | 2 декабря 2018 года 11.00 |
| **Итого по Ферганской области** | | | **1,779** | |
| КФР-92 | Узбекистанский, Кувасайский, Ферганский | А. Навоий (Яйпан), Пакана (доп.строит), Миндонобод-6 (доп.строит) | 1,779 | 2 декабря 2018 года 11.00 |

## ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

## ГУП «Каракалпакстан сув курилиш инвест»

### объявляет тендерные торги по объекту:

«Реконструкция магистрального канала Анасай в Нукусском районе Республики Каракалпакстан».

**Срок окончания работ, установленный заказчиком** – 38 месяцев.

**Стартовая стоимость заказчика составляет:**

20262129038 сум без учёта НДС;

24314554845 сум с учётом НДС.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет средств Государственного бюджета.

**Заказчик:** ГУП «Каракалпакстан сув курилиш инвест».

**Расположенный по адресу:** г. Нукус, ул. Ч. Абдирова, 3.

**В конкурсных торгах могут участвовать:** отечественные и зарубежные строительные организации и фирмы, заявившие о своем намерении участвовать в конкурсных торгах на предложенных условиях.

**Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов, должны соответствовать следующим требованиям:** иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

Объединения юридических лиц – консорциумы не допускаются.

**Для участия в тендерах и приобретения тендерной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга – в Каракалпакский территориальный консалтинговый центр по конкурсным торгам и ценообразованию в строительстве по адресу:** г. Нукус, ул. Гарезсизлик, 59 «а».

**Тел.:** 61-222-96-25.

**Факс**: 61-222-74-12.

**Стоимость одного комплекта тендерной документации** – 202 730 сум.

Участники конкурсных торгов имеют право обращаться к заказчику (организатору конкурсных торгов) по предоставлению им проектной документации, в т.ч. графическую часть (чертежи) для изучения и составления конкурсного предложения.

При этом, Заказчик обязан предоставлять проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи оригинал или электронная версия) участникам конкурсных торгов по первому их требованию.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Крайний срок представления оферт организатору торгов – ко дню и часу вскрытия оферт.

**Вскрытие оферт состоится не менее чем через 15 дней после опубликования объявления в здании Министерства строительства Республики Каракалпакстан по адресу:** г. Нукус, ул. Гарезсизлик, 59 «а».

## КОРХОНА ВА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## АТ Халқ банки Навоий вилоят Зарафшон филиали

### қуйидаги объект бўйича танлов эълон қилади:

«АТ Халқ банки Навоий вилоят Зарафшон филиали маъмурий биносини капитал таъмирлаш».

**Буюртмачининг бошланғич қиймати:**

**ҚҚС билан –** 1 944 418 780 сўм;

**ҚҚСсиз –** 1 620 348 983 сўм.

**Буюртмачи белгилаган ишларни тугатиш муддати:** 250 кун.

**Буюртмачи:** АТ «Халқ банки» Навоий вилоят Зарафшон филиали.

**Манзил**: Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, Баҳор кўчаси, 2-уй.

**Телефон:** (0-436) 573-11-52.

**Лойиҳани молиялаштириш:** АТ Халқ банки Навоий вилоят Зарафшон филиалининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

**Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак:** танлов предмети қийматининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни бериш учун банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари, мутахассисларнинг мавжудлиги, танловдаги объектга ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малака, молиявий имкониятлар, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таъсис этилганига 6 ойдан кам бўлмаган, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашаётганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** қатнашчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида, улар бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Танлов ҳужжатларини махсус ахборот порталидан ёки танлов ташкилотчисидан олиш мумкин.

**Танловда қатнашиш учун сўровнома билан танлов ташкилотчиси – Қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Навоий вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

**Телефон/факс:** (0-436) 220-50-03, 220-50-04.

Таклиф (оферта)лар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

**Таклиф (оферта)ларни танлов ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати –** махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 10 кун.

**Таклиф (оферта)лар очилиши эълон махсус ахборот порталида чоп этилган кундан бошлаб 10 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Навоий шаҳри, Зарапетян кўчаси, 10-уй.

Бу йилги кўргазмада тижорат ва турар жой кўчмас мулк объектларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш, қурилиш, пардозлаш, фасад материаллари ва жиҳозларига ихтисослашган компаниялар фаол иштирок этмоқда.



# Халқаро кўргазмалар тақдим этаётган имкониятлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бугунги кунда юртимизда қурилиш саноатини ривожлантириш, энергия тежамкор, сифатли ва рақобатбардош қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан кенг фойдаланишга катта аҳамият қаратилиб, бу борада хорижий тажрибаларни ўрганиш ҳамда улар иштирокида қўшма корхоналар ташкил этиш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

«UzStroyExpo» халқаро кўргазмаси айни шу мақсадлар учун ҳам самарали ҳисобланиб, соҳа равнақида алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу кўргазма экспозицияси янги технологияларни тақдим этган ҳолда мамлакатимизнинг қурилиш сектори ривожи учун қўшимча туртки беради. Бир неча йилдан буён кўргазма ушбу тармоқ етакчиларини ягона майдонга тўплаб, энг сўнгги янгиликларни намойиш этмоқда.

Бу йилги кўргазмада тижорат ва турар жой кўчмас мулк объектларини лойиҳалаш, қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш, қурилиш, пардозлаш, фасад материаллари ва жиҳозларига ихтисослашган компаниялар фаол иштирок этмоқда. Булар орасида мамлакатимизнинг «Jihoz ventilyatsiya», «Asian business-union», «Bektemir Metall Konstruksiyalari» ва «Caspian service construction», Швейцариянинг «Contec fiber ag», Қозоғистоннинг «Alina group» каби компания ва корхоналари бор.

– 2009 йилда ўз фаолиятини бошлаган корхонамиз турли ҳажмдаги кафеллар, ванналар, санузел жиҳозлари каби қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқаради, – дейди Сирдарё вилоятидаги «Peng Sheng» Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси менежери Беҳзод Ҳотамбоев. – Бу йилги кўргазмада биринчи бор 60х60 ҳажмдаги кафелларни тақдим қилдик. Бу турдаги кафеллар фақат маҳаллий хом аёшдан ишлаб чиқарилгани билан кўргазма иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, бу галги кўргазмада қўшни Қозоғистон корхоналари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, газли блоклар ишлаб чиқарувчи «Экотон+» акциядорлик жамияти тақдим этаётган маҳсулотлар кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда.

– Ўзбекистонда ўтказилаётган қурилиш бўйича халқаро кўргазмада илк бор иштирок этмоқдамиз, – дейди «Экотон+» АЖ менежери Ренат Райимхан. – Бизнинг корхона 14 йилдан буён Қозоғистоннинг қурилиш бозорига сифатли автоклавли қотадиган уяли бетон блоклари етказиб бермоқда. «Экотон» газли блокни ишлаб чиқаришда юқори технологик «YTONG» немис ускуналари ва фақатгина табиий хом ашё – кварцли қум, цемент, оҳак ва сув қўлланилади. Маҳсулотларимиз юқори сифатга эгалиги боис, бугунги кунда биз Қозоғистонда мазкур турдаги материал ишлаб чиқарувчилар орасида биринчи рақамли корхонага айланиб улгурдик. Яна шуни айтишим мумкинки, ўз юртимизда биринчи бўлиб ғовакли бетон ишлаб чиқарганмиз. Остона ва Оқтепа шаҳарларида 2 та заводимиз бор ва уларда 450 та ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Шу кунга қадар қурилиш бозорига 3,4 миллион $м^3$ газли блок етказиб бердик.

– Бугунги кўргазмага ташкилотимиз томонидан ишлаб чиқилган намунавий турар жойлар лойиҳалари билан иштирок этяпмиз, – дейди «Қишлоққурилишлойиҳа» МЧЖ бош лойиҳа қидирув институти муҳандиси Феруза Аҳмедова. – Институтимиз томонидан асосан мамлакатимизнинг қишлоқ ҳудудларида бунёд этилаётган намунавий турар жойлар, ижтимоий соҳа объектлари лойиҳалари тайёланади. Бугунги кунда мазкур лойиҳалар асосида Тошкент вилоятида 7, бошқа вилоятларда 2, 3, 5 қаватли кўп квартирали ҳамда қишлоқларда 2 ва 4 сотихли намунавий турар жойлар, мактабгача таълим муассасалари бунёд этилмоқда. Янги лойиҳаларда энергия тежамкор қурилиш материаллари ҳамда иккиламчи энергия манбаларидан фойдаланишга катта эътибор қаратилган. Бу янгиликлар қурилишнинг таннархи, тезлиги ва сифати бўйича яхши самара бермоқда.

– Фаолиятимизни бошлаганимизга 3 йил бўлди, – дейди Андижон вилоятидаги «Пенопласт» оилавий корхонаси вакили Давронбек Абдуманнопов. – Биз ковролин плитка ва полистиролбетон маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Бугунги кунда қишлоқ ҳудудларида бунёд этилаётган намунавий арзон уй-жойлар қурилишига ушбу маҳсулотларимизни етказиб бермоқдамиз.

– Ўзбекистонда ўтказиладиган анъанавий халқаро қурилиш кўргазмасида илк бора иштирок этмоқдамиз, – дейди Озарбайжоннинг бўёқ маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «НОВ BOYA» корхонаси раҳбари Меҳти Меҳтиев. – Мақсадимиз корхонамиз томонидан ишлаб чиқарилаётган 120 турдан ортиқ бўёқ маҳсулотини янада танитиш ва янги бозорларни кашф этишдан иборат.

– Махсус кийим корхона имижини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди, – дейди «LEYLA STILE» компанияси директори ўринбосари Ирада Бурнашева. – Ишчи-ходимларнинг махсус кийими, биринчи навбатда, уларнинг хавфсизлигини таъминлаши, қолаверса, қулай, бежирим бўлиши, ранги эса касб-корга мос келиши керак. Йигирма бир йилдан буён шу соҳада фаолият кўрсатаётган компаниямиз «Ўзбекэнерго», «Ўзтрансгаз», «Навоий кон-металлургия заводи», «Лукойл», «Олмалиқ кон-металлургия комбинати», «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» каби йирик корхоналар, шунингдек, бир қатор қурилиш ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. «UzStroyExpo» кўргазмасида иштирок этишдан кўзланган мақсад мижозлар сонини янада кўпайтиришдан иборат.

– Кўргазмада 153 йилдан буён фаолият кўрсатаётган дунёга машҳур BASF компанияси маҳсулотлари билан иштирок этмоқдамиз, – дейди мазкур компаниянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси менежери Шохрух Орифжонов. – Кимё саноати бўйича дунёнинг энг етакчиларидан бўлган ушбу компания таркибидаги корхоналарда 114 мингдан ортиқ ишчи-ходим меҳнат қилади. Бир йиллик савдо айланмаси тахминан 78 миллиард еврони ташкил этади. Мазкур компания мамлакатимизда бир неча йилдан буён қатор лойиҳаларда муносиб иштирок этиб, қурилиш объектларига бетон қўшимчалари, гидроизоляция, бетонни ҳимоя қилиш ва таъмирлаш маҳсулотлари, пол қопламалари ва бошқа материаллар етказиб бермоқда. Мамлакатимизда ушбу компаниянинг расмий ваколатхонаси ва бир нечта дилерлари фаолият кўрсатмоқда. Айни кунларда «Tashkent City», «Хумо Арена» муз саройи каби йирик лойиҳаларда ҳам иштирок этмоқда.

Сир эмаски, бугунги кунда мамлакатимиз электр энергетикасида ресурс тежовчи буғ-газ ускуналари ва қуёш энергиясидан фойдаланишнинг замонавий синалган технологияларини кенг миқёсда жорий этиш асосида мавжуд қувватларни босқичма-босқич модернизациялаш, янгиларини барпо этишга катта эътибор қаратилмоқда. «UzEnergyExpo» кўргазмасида бу каби масалага катта аҳамият берилиб, трансформаторлар ва тақсимлаш ускуналари, назорат-ўлчов жиҳозлари, релели ҳимоя ва автоматика ускуналари, электротехник ва электрик жиҳозлар, кабель-ўтказгич маҳсулотлари намойиш этилмоқда. Кўргазма павильонларида Беларусь, Германия, Греция, Дания, Қозоғистон, Хитой, Жанубий Корея, Қирғизистон, Озарбайжон, Россия, Туркия каби давлатлар қаторида ўзимизнинг маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотлари сифати ва дизайни билан ажралиб туради.











Хусусан, мамлакатимиздаги «Щит энергия» масъулияти чекланган жамияти юқори ва паст вольтли жиҳозларни ишлаб чиқариш соҳасидаги замонавий ишланмаларни тақдим этиб келмоқда.

– 2013 йилдан фаолият кўрсатаётган корхонамиз электр жиҳозлари ишлаб чиқармоқда, – деди мазкур жамият директори Хуршид Матмурадов. – Маҳсулотларимизга бўлган талаб жуда юқори. Сабаби, бугунги кунда ўзимизда ҳам темир шчитлар, темир шкафлар, қурилмалар, кўп қаватли уйларга мўлжалланган шчитларга эҳтиёж кундан-кунга ортмоқда. Масалан, биз Сергели, Олмазор туманларида қурилган кўп қаватли уйлар учун электр жиҳозларини тўлиқ таъминлаб бердик.

– 1992 йилда ташкил этилган корхонамиз ўз фаолиятини индукцион, яъни механик электр ҳисоблагичларни ишлаб чиқариш билан бошлаган, – дейди Қозоғистоннинг «САЙМАН» асбоб-ускуналар заводи» директори ўринбосари Мади Агибаев. – 2000 йилдан сўнг IEC 1036-96 халқаро стандартига жавоб берадиган электрон электр ҳисоблагичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Маҳсулот ва хизматларимизни мунтазам такомиллаштириб бормоқдамиз. Масалан, яқинда компаниямиз мутахассислари томонидан «SANAU Light» номли ташқи, яъни кўча ёритиш мосламаларини автоматлаштирилган бошқариш тизими ишлаб чиқилди. Ушбу тизим «Ақлли шаҳар» лойиҳаси доирасида электр энергиясини 80 фоизгача тежаш имконини беради. Бундан ташқари, яқинда Германиянинг «Zenner» компанияси технологияси асосида газ ҳисоблагичларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик. Мижоз хоҳишига кўра, газ ҳисоблагичларга улардаги кўрсаткичларни масофадан туриб олиш имконини берадиган паст частотали датчиклар ўрнатиб беряпмиз. Ўзбекистон бозорига кириб келганимизга унчалик кўп вақт бўлмаган бўлса-да, маҳсулотларимизга қизиқиш катта. 2019 йилдан Ўзбекистонда ҳам маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштиряпмиз. Бугунги кўргазма ана шундай мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

– Жамиятимиз «Грант» лойиҳа-инжиниринг комплекси таркибига киради, – дейди Украинанинг «Гидротехпроект» МЧЖ менежери Андрей Войченко. – Ушбу комплексдан, шунингдек, «Укргидропроект», «Идоралараро муҳандислик изланишлар маркази» («Межведомственный центр инженерных изысканий») ҳамда «Украатомэнергопроект» каби ташкилотлар ўрин олган. – Корхонамиз гидроэнергетика ва сув хўжалиги иншоотларини қуриш соҳасида лойиҳалаш ва инжиниринг хизматларини кўрсатиш, шунингдек, қайта тикланувчи энергия манбаларини ўзлаштиришга ихтисослашган. Маълумки, кейинги вақтда Ўзбекистонда юқорида тилга олинган соҳаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатингизда ўз омадимизни синаб кўришга қарор қилдик. Фурсатдан фойдаланиб, бу ерда бизга қулай шароитларни яратиб берган ташкилотчиларга ўз миннатдорлигимни билдириб қоламан.

– Корхонамизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар МДҲ давлатларининг барчасида мавжуд, – дейди Свердловск ток трансформаторлари заводи (Свердловский завод трансформаторов тока) мутахассиси Регина Урьева. – Зеро, 1941 йилдан буён шу соҳада фаолият кўрсатиб келаётган завод собиқ иттифоқ даврида республикаларни трансформаторлар билан таъминлайдиган асосий ишлаб чиқарувчилардан бири бўлган. Давлатлар мустақилликка эришганидан сўнг ҳам корхона ўша мавқеини сақлаб қолишга эришди. Сир эмас, Ўзбекистонда бугун жуда катта бунёдкорлик лойиҳалари амалга оширилмоқда. Шаҳарлар ва туманларда янги турар жойлар қуриляпти. Қишлоқлар ва маҳаллалардаги инфратузилмалар, коммуникациялар янгиланмоқда. Бу эса бизнинг корхонага ўхшаган ишлаб чиқарувчилар учун янги уфқларни очиб бермоқда, десак адашмайман. Ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиш ниятида корхонамиз «UzEnergyExpo» кўргазмасида иштирок этишга қарор қилди. Бизга мурожаат қилаётганларнинг ҳар бирига алоҳида ёндашиш, потенциал мижоз ва буюртмачининг барча талаб-истакларини инобатга олишга ҳаракат қиляпмиз.

– Ушбу анъанваий кўргазмада 5 йилдан буён мунтазам иштирок этмоқдамиз, – дейди Туркиянинг «Aksa Jeneratot Sanayi A.S» корхонаси савдо мудири Эргун Йилмаз. – Аввалги йиллари Ўзбекистонда савдо нуқталари очиш, ҳамкорлар топиш истагида эдик. Икки ой аввал Тошкентда ўз офисимизни очдик. Эндиги мақсадларимиз бу ерда амалга оширилаётган йирик лойиҳалардаги иштирокимизни янада жонлантиришдан иборат.

Таъкидлаш керакки, энергиянинг қайта тикланувчи ва альтернатив манбаларига ўтиш келажак авлодлар учун табиий ресурсларни асраш ва экологияни яхшилашда муҳим омиллардан. Мамлакатимиздаги «All solar» хусусий корхонаси, «Modern power systems» ва «Solar nature» масъулияти чекланган жамиятлари тақдим этаётган қуёш сув иситгичлари, шамол электростанциялари, мини гидроэлектростанциялари, қуёш коллекторлари, қуёш кўча ёритгичларини ишлаб чиқариш бўйича эришган ютуқлари ва изланишлари эътиборга лойиқ.

Жорий йилнинг 2 ноябрига қадар давом этадиган мазкур кўргазмалар доирасида компаниялар тақдимоти ва семинарлар бўлиб ўтмоқда.







**Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

Тошкент архитектура қурилиш касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан мазкур таълим муассасаси, шунингдек, Республика Маънавият ва маърифат маркази Тошкент шаҳар бошқармаси билан ҳамкорликда «Ўзбек тили ва адабиётининг тарихи, унинг бугунги ҳолати ва истиқболи» мавзусида очиқ мулоқот бўлиб ўтди.

# Тил – миллатнинг бойлиги

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 29 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда ЎзМТДП фаоллари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, Республика Маънавият ва маърифат маркази ходимлари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, коллеж ўқитувчилари ва ўқувчилар иштирок этишди.

Тадбирни очиб берган Тошкент архитектура қурилиш касб-ҳунар коллежи директори Ўринбой Нуртаев, сўзга чиққан ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Шерзод Холматов, таниқли шоира, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Умида Абдуазимова ва бошқалар тилнинг куч-қудрати ва мавқеи ҳақида гапириб, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчи эканини таъкидладилар.

– Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Ватанимиз мустақилликка эришишидан бир мунча муддат аввал – 1989 йил 21 октябрь санасида Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили ҳақида»ги қонуни қабул қилинди, – деди Ў. Нуртаев. – Ушбу ҳужжат ўтган вақт давомида она тилимиз қадрини мустаҳкамлаш, фахри-ифтихоримиз, ғуруримиз тимсоли бўлган ўзбек тилининг мавқеини юксалтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилишда давом этмоқда. Энг муҳими, «Давлат тили ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши истиқлол сари қадам қўйилишига йўл очиб берди, яъни Ўзбекистон Республикасининг мустақилликни қўлга киритиш жараёни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан бошланди, десак адашмаймиз.

– Тил – миллатнинг улкан бойлиги, руҳи, бебаҳо мулки ҳисобланади, – деди Ш. Холматов. – Авлодлар ўртасидаги руҳий-маънавий боғлиқлик айнан тил орқали намоён бўлади. Ўтган давр мобайнида ҳукуматимиз томонидан она тилимизнинг янада сайқал топиши, бадиийлиги, тарихийлиги, дунё миқёсида аҳамияти ва нуфузини оширишга қаратилган лойиҳалар ишлаб чиқилди, давлат дастурлари қабул қилинди, илмий изланишлар, тадқиқотлар олиб борилди. Бунинг натижасида она тилимизнинг халқаро миқёсдаги обрўси ошди. Сўзимга хориждаги қатор таълим даргоҳларида, илмий муассасаларда ўзбек тили марказлари ташкил этилиб, унда она тилимиз чуқур ўргатилаётгани далолат бўла олади.

Очиқ мулоқот давомида ўзбек тили ва адабиёти тарихи, тилнинг бугунги ҳолати ва келажагига доир маърузалар тингланди.

Тадбир давомида санъаткорлар ва ҳаваскор ўқувчилар томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар унинг иштирокчиларига хуш кайфият улашди.

**Шуҳрат ХЎЖАЕВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# Первый постоянный аэропорт в Антарктиде

Китайские власти через несколько лет построят в Антарктиде первый, постоянно работающий аэропорт. Он сможет на регулярной основе принимать экспедиции и туристические группы.



Планируется, что в рамках создания аэропорта инженеры построят воздушный терминал и взлетную полосу на леднике, который покрывает поверхность Антарктиды. В ходе исследований было выбрано место, где лед смещается незначительно и равномерно. При этом Китай уже владеет базой «Куньлунь» в Антарктиде и двумя специальными взлетными полосами для экстренной посадки и дозаправки рядом с местом, где будет строиться аэропорт. Сейчас, отмечают китайские власти, создание полноценного аэропорта стало необходимостью.

Китай будет использовать для выполнения полетов в Антарктиду полярный самолет «Сюэин 601». Сейчас властям страны нужно договориться с рядом государств о том, что они будут принимать этот самолет для технического обслуживания, заправки топлива или на случай непогоды.

На сегодняшний день Китай владеет четырьмя научными станциями в Антарктиде – «Чанчэн», «Чжуншань», «Куньлунь» и «Тайшань». В дальнейшем Китай построит еще одну научно-исследовательскую базу.

Напомним, на данный момент в Антарктиде уже расположено 89 станций, принадлежащих различным государствам.

**Наш корр.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ» Нашриёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Таҳрир ҳайъати:
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Шухратходжа Хашимов, Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Таҳририят:
Бош муҳаррир – Дилшод Жалолов
Бош муҳаррир ўринбосари – Абдумуталлиб Ўктамов
Саҳифаловчи – Акмал Махкамов
Мусаҳҳиҳ – Дилфуза Хабибова

Таҳририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва лойиҳалаш институтлари.

Таҳририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
Телефонлар: (қабулхона) 71-244-21-71, (котибият) 71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13, (бухгалтерия) 71-244-22-10, (реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
E-mail: uzbunyodkor@umail.uz

Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: 90-720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича: 93-466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-1107.
2439 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Навбатчи муҳаррир – А. Ўктамов.
Навбатчи – Т. Турсунов.
ЎзА якуни – 22.50. Топширилди – 23.50.